

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

25 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 4 февралдаги ПҚ–2293-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига 1-иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 31 декабрь,
ПФ–4910-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 31 декабрдаги
ПФ–4910-сонли Фармонида
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари дав-

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

лат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ–1836-сонли қарорининг 1-банди ва 3-илоvasи.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг марказий аппарати тузилмасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2012 йил 25 октябрдаги ПҚ–1840-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг янгиланган тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 30 октябрдаги ПҚ–2058-сонли қарори.